

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАДМАНОВА ДИЛАФРУЗ САМАДОВНА

**ЭКТОПИК ХОМИЛАДОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ИММУНОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ ВА РЕЦИДИВЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Шадманова Дилафруз Самадовна

Эктопик хомиладорлик ривожланишининг
иммуногинетик аспектлари ва рецидивлар
профилактикасини такомиллаштириш..... 3

Шадманова Дилафруз Самадовна

Иммуногенетические аспекты развития эктопической
беременности и усовершенствование
профилактики рецидивов..... 35

Shadmanova Dilafruz Samadovna

Immunogenetic aspects of the development of ectopic
pregnancy and improving the prevention of recurrences..... 62

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 70

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШАДМАНОВА ДИЛАФРУЗ САМАДОВНА

**ЭКТОПИК ХОМИЛАДОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИНГ
ИММУНОГЕНЕТИК АСПЕКТЛАРИ ВА РЕЦИДИВЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.36 – Аллергология и иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2958 рақам билан рўйхатга олинган

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immuno.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Шамсутдинова Максуда Ильясовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухамедов Рустам Султанович**
биология фанлари доктори, профессор

Нуралиев Неккадам Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74.Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunology@immuno.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А.Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда аёлларнинг репродуктив саломатлигини бузилишига олиб келадиган омиллардан бири ва дунёнинг кўплаб мамлакатларида кўпайиш тенденциясига эга бўлган эктопик ҳомиладорлик алоҳида ўрин тутмоқда. Касаллик оғир асоратлар ва ўлим билан боғлиқ патологиялардан бири бўлиб, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...эктопик ҳомиладорлик ҳомиладорликнинг умумий сонига нисбатан 1,2-1,4% ва туғилишга нисбатан 0,8-2,4% ни ташкил қилмоқда ва 29 ёшдан 39 ёшгача бўлган аёллар орасида кўп учрамоқда»¹. Аёлларда эктопик ҳомиладорлик оғир оқибатларга олиб келиши, патогенезнинг мураккаблиги, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ўз навбатида, ушбу ҳолатни эрта клиник-иммунонологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида аёллар касалликлари, жумладан аёллардаги эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш, прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада гинекологик касалликларда иммун тизим фаолияти ўзгаришини аниқлаш, эктопик ҳомиладорлик ҳолати келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, эктопик ҳомиладорликни такрорий эпизодларини олдини олиш масалаларига бағишланган тадқиқотлар, ҳомиладорларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги ва сифатини оширишнинг самарали моделларини яратиш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда операциядан кейинги битишмалар пайдо бўлишини олдини олиш, жарроҳликдан кейин репродуктив фаолиятни тиклашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларини олдини олиш, эрта ташхислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги

¹ Al Naimi, A., et al., Ectopic pregnancy: a single-center experience over ten years. *Reprod biol endocrinol*, 2021. 19(1): p. 79.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, аёлларда акушерлик ва гинекологик касалликларни барвақт аниқлаш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оналар касалланиши ва ўлимини олдини олиш чора–тадбирлари эрта ҳомиладорлик давридаги асоратларни профилактикаси ва преклиник диагностика қилишдир. Ҳозирги вақтда ҳомиладорликни бошқаришнинг энг мақбул усулини танлаш акушерлик хавфи даражасини ҳисобга олмасдан мумкин эмаслигига шубҳа йўқ. Бироқ, ҳомиладорлик акушерлик асоратлари билан кечиши мумкин бўлган аёллар гуруҳини аниқлашнинг услубий ёндашувлари етарли даражада ишлаб чиқилмаган ва амалда асосан клиник ва анамнестик маълумотларни мунтазам таҳлил қилиш билан чекланган, бу эса кўпчилик учун профилактика чораларини кўришга мажбур бўлган шифокорларни чалғитади.

Эктопик ҳомиладорликнинг клиник кўринишлари унинг ривожланишининг стационаргача бўлган даврида кам симптомлар билан тавсифланади, аксарият ҳолларда ҳеч қандай кўринишнинг йўқлиги ва кейинги ҳайзнинг атипик курси билан чегараланади. Клиник белгиларга асосланган прогрессив бачадон найи ҳомиладорликнинг аниқ ташхиси ҳозирги вақтда беморларнинг 69-70 фоизида ўрнатилади [Бурова Н.А. 2021]. Барча беморлар учун энг қулай ва информацион диагностика чораси - бу ультратовушсиз эктопик ҳомиладорликнинг сифатли ташхиси; диагностик қиймат 30% ни ташкил қилади, чунки ХГ синтези малигн неоплазмалар томонидан амалга оширилиши мумкин, қон таъминотига боглиқ ва 2 ҳафталик бачадон ва эктопик ҳомиладорлик даврида ХГ контцентратцияси ва динамикаси фарқ қилмайди [Макухина Т.Б., Макухина В.В. 2019].

Сўнгги йилларда жаҳон адабиётида турли хужайраларнинг бўлиниши ва дифференциациясини рағбатлантирадиган ёки ингибирлайдиган биологик фаол бирикмалар бўлган ўсиш омилларига катта эътибор берилмоқда [Mullany, k., et al., 2023]. Эндометрийдаги ангиогенез бўйича ишларнинг аксарияти ҳайз кўриш циклида бевосита иштирок этадиган VEGF га қаратилган. Умуман олганда, ангиогенез жараёни тизимнинг мувофиқлаштирилган иши билан кузатилади ва бошқарилади. Ўсиш омиллари эктопик ҳомиладорлик бўлган аёлларда VEGF даражасини проспектив ва ретроспектив тадқиқотлар ўсишини кўрсатди. Даниел ва бошқалар 200 пг / мл чегара даражасини VEGF ЭХ ни 60% сезувчанлик, 90% ўзига хослик ва 86% ижобий башорат қилиш қиймати билан ташхислаш мумкин деб таъкидлашади [Zhang, X. and C. Wang, 2021]. TNF-альфа ген полиморфизмининг эктопик ҳомиладорлик ривожланишидаги аҳамияти ва уларнинг функционал ўзаро боғлиқлиги, юқори хавф гуруҳидаги аёлларда ташхис ва прогноз учун маркерлар сифатида деярли ўрганилмаган, бу муаммонинг долзарблигини ва зарурлигини белгилайди, ушбу йўналишдаги мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда [Demir, M.B. and S.D. Cam, 2023].

Эктопик ҳомиладорлик пайтида асоратларнинг юқори частотаси ва унинг такрорланиши, шунингдек уни камайтириш тенденциясининг йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, бундай касалликларни бошқариш алгоритминини ишлаб чиқиш учун эктопик ҳомиладорликнинг мумкин бўлган ривожланишининг белгиларини аниқлаш зарурати туғилади. Эктопик ҳомиладорликни ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари мунтазам такомиллаштирилишига қарамай, касаллик энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.1100158 -сонли «Замонавий ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) амалий лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эктопик ҳомиладорлик ривожланишининг иммуногенетик жихатлари ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазафалари:

эктопик ҳомиладорлик (ЭХ) кузатилган аёлларда репродуктив ва соматик ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

COL1A1 (rs1800012) ва TNF- α 308G/A генлари полиморфизми ва эктопик ҳомиладорлик ривожланиши билан ассоциатив боғлиқликни аниқлаш;

эктопик ҳомиладор аёлларда яллиғланишга хос ва қарши цитокинлар ҳамда ўсиш омили (VEGF -A) синтези миъдорини аниқлаш;

такрорий эктопик ҳомиладорлик хавфини камайтириш учун эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларни олиб бориш алгоритмини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2019-2023 йилларда Республика шошилиш тиббий ёрдам марказининг Жиззах ва Сирдарё филиаллари назоратида бўлган 20 ёшдан 40 ёшгача эктопик ҳомиладорлик билан 124 нафар ва 50 нафар бачадон ҳомиладорлик билан аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳомиладор аёллар вена қони ва қон зардоби иммунологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, ультратовуш ташхислаш, магнит-резонанс ташхислаш, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёллар организмида тизимли яллиғланиши кучайиши сабабли яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) цитокинлар миқдорининг кескин ортиши аниқланган;

илк бор кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёллар организмида яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли VEGF-A миқдорининг ишонарли даражада ортиши исботланган;

илк бор кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларда бачадон ҳомиладорлиги бўлган аёлларга нисбатан яллиғланишига қарши IL-4 цитокин миқдори тизимли яллиғланиш жараёнининг кучайиши сабабли камайиши аниқланган;

илк бор ўзбек миллатига мансуб аёлларда эктопик ҳомиладорлик ривожланишига *COL1A1 rs1800012* гени полиморфизмининг гомозигот TT генотиби ҳамда *TNF α -308G/A* гени полиморфизмининг гетерозигот GA генотиби кўпроқ даражада тарқалганлиги сабаб бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор эктопик ҳомиладор аёллар қон зардобида яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) ва қарши (IL-4) цитокинлар миқдорини аниқлаш асосланган;

илк бор аёлларда эктопик ҳомиладорнинг барча кўринишларида шаклларида қон-томир эндотелияси ўсиш омили (VEGF-A) миқдорини аниқлаш исботланган;

эктопик ҳомиладор аёлларда *COL1A1 rs1800012* гени *TNF α -308G/A* гени полиморфизмлари учраши даражасини аниқлаш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган болалар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар

ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эктопик ҳомиладорлик ривожланишининг иммуногенетик жихатлари ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёллар организмида тизимли яллиғланиши кучайиши сабабли яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) цитокинлар миқдорининг кескин ортиши ва яллиғланишига қарши IL-4 цитокин миқдорининг камайиши аниқланганлиги, ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли VEGF-A миқдорининг ишонарли даражада ортиши исботланганлиги, ўзбек миллатига мансуб аёлларда эктопик ҳомиладорлик ривожланишига *COL1A1 rs1800012* гени полиморфизмининг гомозигот TT генотиби ҳамда *TNF α -308G/A* гени полиморфизмининг гетерозигот GA генотиби кўпроқ даражада тарқалганлиги сабаб бўлиши исботланганлиги касаллик патогенезининг янги жихатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эктопик ҳомиладор аёллар қон зардобида яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) ва қарши (IL-4) цитокинлар миқдорини аниқлаш асосланганлиги, қон-томир эндотелияси ўсиш омили (VEGF-A) миқдорини аниқлаш исботланганлиги ва *COL1A1 rs1800012* гени *TNF α -308G/A* гени полиморфизмлари учраши даражасини аниқлаш асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Эктопик ҳомиладорлик ривожланишининг иммуногенетик жихатлари ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёллар организмида тизимли яллиғланиши кучайиши сабабли яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6, IL-8, TNF α) цитокинлар миқдорининг кескин ортиши аниқланганлиги бўйича «Эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 01-00606-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали бўйича 16.10.2023 йилдаги 74-сонли, Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали бўйича 20.10.2023 йилдаги 68-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини

камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, реабилитация муддатини қисқартиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иктисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усулини қўллаш клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш ҳисобига стационарда даволаниш муддатини 3 кунга қисқаришига асосланган. *Хулоса*: кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларда тизимли яллиғланиши кучайиши сабабли яллиғланишга хос цитокинлар миқдорининг кескин ортиши асосланган.

иккинчи илмий янгилиги: илк бор кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёллар организмида яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли VEGF-A миқдорининг ишонарли даражада ортиши исботланганлиги бўйича «Эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 01-00606-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали бўйича 16.10.2023 йилдаги 74-сонли, Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали бўйича 20.10.2023 йилдаги 68-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, реабилитация муддатини қисқартиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иктисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усулини қўллаш клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш ҳисобига стационарда даволаниш муддатини 3 кунга қисқаришига асосланган. *Хулоса*: кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларда яллиғланиши ва ангиоген жараёнининг кучайиши сабабли қон-томир эндотелияси ўсиш омили миқдорининг ортиши асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларда бачадон ҳомиладорлиги бўлган аёлларга нисбатан яллиғланишига қарши IL-4 цитокин миқдори тизимли яллиғланиш жараёнининг кучайиши сабабли

камайиши аниқланганлиги бўйича «Эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 01-00606-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали бўйича 16.10.2023 йилдаги 74-сонли, Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали бўйича 20.10.2023 йилдаги 68-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, реабилитация муддатини қисқартиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усулини қўллаш клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш ҳисобига стационарда даволаниш муддатини 3 кунга қисқаришига асосланган. *Хулоса*: кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари фонида эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларда бачадон ҳомиладорлиги бўлган аёлларга нисбатан яллиғланишига қарши цитокин миқдори камайиши асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: илк бор ўзбек миллатига мансуб аёлларда эктопик ҳомиладорлик ривожланишига *COL1A1 rs1800012* гени полиморфизмининг гомозигот ТТ генотиби ҳамда *TNF α -308G/A* гени полиморфизмининг гетерозигот GA генотиби кўпроқ даражада тарқалганлиги сабаб бўлиши исботланганлиги бўйича «Эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси илмий кенгашининг 2023-йил 25-январдаги 01-00606-сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали бўйича 16.10.2023 йилдаги 74-сонли, Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали бўйича 20.10.2023 йилдаги 68-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22-октябрдаги №7-сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши, эрта ташхис қўйиш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, асоратлар ривожланишини камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ошириш, реабилитация муддатини қисқартиришга ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика шошинч тез тиббий ёрдам илмий

марказининг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари филиаллари амалий фаолиятларига жорий этилиши эктопик ҳомиладорликни эрта ташхислаш ва рецидивлар профилактикасини такомиллаштириш усулини қўллаш клиник-иммунологик маркерларини аниқлаш ва даволаш тактикасини тўғри танлаш ҳисобига стационарда даволаниш муддатини 3 кунга қисқаришига асосланган. *Хулоса:* ўзбек миллатига мансуб аёлларда эктопик ҳомиладорлик ривожланиши *COL1A1 rs1800012* гени ва *TNF α -308G/A* гени полиморфизмлари аллел ва генотиплари билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эктопик ҳомиладорлик ҳақида замонавий тасаввурлар** (адабиётлар шарҳи)» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган, ЭХнинг келиб чиқиш сабаблари ва патогенези, ташхислашнинг иммуногенетик жиҳатлари, даволаш, ЭХнинг келиб чиқишида ҳужайралараро ўзаро таъсир омилларининг роли ҳақида замонавий тасаввурлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида Жиззах ва Сирдарё филиалларининг Республика шошилич тиббий ёрдам маркази негизида шошилич гинекология бўлимларида ўтказилган клиник, лаборатор ва функционал тадқиқот усуллари ўтказиш техникаси батафсил тавсифланган ҳолда текширилган аёлларнинг умумий тавсифи бўйича маълумотлар келтирилган. 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган 124 нафар аёл текширилди, ўртача $25,72 \pm 3.8$ ёшни ташкил этди. Эктопик ҳомиладорликнинг энг кўп учраши 31 ёшдан 35 ёшгача бўлган ёшда

кузатилади. Гестация муддати 3 ҳафтадан 6 ҳафтагача бўлган. Текширилган аёлларнинг 62,9% (78) бирламчи ва 37,09% (46) такрорий ЭХ билан касалланган. Ушбу тадқиқот 2019 йилдан 2023 йилгача РШТЎИМ Жиззах филиали оператив гинекология бўлимида ўтказилган бўлиб, унда бачадон найларида эктопик ҳомиладорлик ташхиси билан 124 нафар аёл касалхонага ётқизилган. Текширилган аёлларнинг ёши 20 дан 40 ёшгача бўлган. Гестация муддати 3 ҳафтадан 6 ҳафтагача бўлган. Назорат гуруҳини худди шу муддатларда, аммо бачадон ҳомиладорлиги бўлган 50 нафар аёл ташкил этди.

Текширилган аёллар ҳайз кўришнинг кечикиши (85%), қорин пастида оғриқ (72%), жинсий йўллардан қонли ажралма (85%) шикоятлари билан муружаат қилишди. Аёлларда ҳайз кўришнинг кечикиши бўйича ҳомиладорлик муддати 5-7 ҳафтани ташкил этди. Барча беморларга тос аъзоларининг ультратовуш текшируви ўказилди, қонда β -ХГ даражаси аниқланди ва тос аъзоларининг МРТ текшируви ўтказилди. Текширилган аёллар 19 ёшдан 37 ёшгача бўлган. Биринчи босқичда ультратовуш текшируви маълумотларига кўра ЭХ ташхиси қўйилган ҳомиладорликка ижобий биокимёвий тестга эга бўлган аёлларнинг 15,3% (n=19) ЭХнинг МР (магнит-резонанс) -симптомларини текшириш мақсадида магнит-резонанс текширувларини (МРТ) ўтказилди. Иккинчи босқичда 24,19% (30) аёлларда ҳомиладорлик учун ижобий биокимёвий тест ва ҳайз кўришнинг турли муддатларида ноинформатив УТТ маълумотлари бўлган, тадқиқотнинг 1-босқичида ажратилган ЭХ- МРТнинг информатив қийматини аниқлаш мақсадида МРТ ўтказилди.

Дастлаб биз ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, ҳомиладорликнинг 4 ҳафтасидан 6 –7 ҳафтагача бўлган ҳайз кўриш кечикиш муддатларида адабиёт маълумотларига кўра энг аҳамиятли бўлган эктопик ҳомила тухуми ва найсимон ҳалқани ультратовуш белгиларига мос келадиган МРТларни ўргандик. Барча аёллар ҳайз кўришнинг кечикишидан шикоят қилишди, қорин пастидаги оғриқлар - 80%, жинсий йўллардан қонли ажралмалар - уларнинг 30%. Шифохонага ётқизилган куни ҳомиладорликнинг ҳайз кўриш муддати 6,9 ҳафтани ташкил этди. $\pm 0,75$ кун ва уларнинг барчасида ҳайз кўриш кечикишининг 6-9 ҳафталик интервалига тўғри келди. Аёлларнинг ўртача ёши $34,8 \pm 2,3$ ёшни ташкил этди. Аъзоларнинг интраоперацион кўриги бачадон ва ортиқларнинг ўлчамлари, уларнинг структуравий хусусиятлари, найсимон ҳосиланинг мавжудлиги, унинг тавсифи ва ўлчамлари, битишма жараёнининг мавжудлиги ва ифодаланганлик даражаси, гемоперитонеумнинг ҳажмини баҳолашни ўз ичига олган. Олиб ташланган бачадон найини макроскопик текшируви ўтказилди.

Олиб ташланган бачадон найининг морфологик текшируви органометрияни (бачадон найининг узунлиги, қалинлиги, ўлчамлари, жойлашуви ва ҳомила ўрнининг яхлитлигини ўлчаш), макроскопик ва гистологик текширувларни ўз ичига олган.

Макроскопик текширув, шунингдек, гистологик текширув учун препаратлар тайёрлаш РШТЎИМ Жиззах филиалининг патоморфологик

лабораториясида амалга оширилди. Макроскопик текширувда бачадон найининг ранги, бутунлиги, ўлчамлари баҳоланди, бачадон найини узунасига тайёрланди ва унинг таркиби баҳоланди: ҳомила тухуми, қон лахталари мавжудлиги. Текширилаётган аёлларнинг қонидаги β -суббирлик ХГ даражасини ўрганиш "Gonadotropin IFA-XG" ("AlkorBio" АЖ) реагентларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан амалга оширилди. Ушбу гуруҳлардаги аёллар ҳомиладорлик муддати бўйича фарқ қилганлиги сабабли, биз қон зардобидаги β -ХГ миқдорий даражасининг барча қийматларини оналик нормал ҳомиладорлигига нисбатан таққосланадиган муддатларда ҳисоблаб чиқдик.

Иммунологик тадқиқотлар Иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммунорегуляция лабораториясида ўтказилди. Қон зардобидаги IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-8, TNF α и VEGF-A концентрациялари "ВЕКТОР-БЕСТ" АЖ (Россия, Новосибирск) тест-тизимларидан фойдаланган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил усули билан аниқланди. Натижаларни миқдорий баҳолаш калибрлаш эгри чизиғини қуриш усули ёки стандарт антиген учун оптик зичликнинг концентрацияга боғлиқлигини акс эттирувчи ва ўрганилаётган намуналарни у билан солиштириш имконини берувчи "Microplatemanager" тижорат компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Аниқлаш илова қилинган йўриқномага мувофиқ амалга оширилди.


Ўзбек популяциясида COL1A1 (rs1800012) ва TNF- α (-308 G/A) генлари полиморфизми ҳамда ушбу полиморфизмларнинг эктопик ҳомиладорлик ривожланиши билан боғлиқлиги ўрганилди. Тадқиқотлар COL1a1 гени rs1800012 ва TNF- α 308G/A генотиплари полиморфизмининг бачадондан ташқари ҳомиладорлик билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида ўтказилди. ДНКни ажратиш учун материал сифатида тирсак венасидан 3-5 мл ҳажмдаги веноз қон (қон олиш учун Beckton-Dickinson вакутайнерлари ишлатилган) EDTA 15% трикалийли антикоагулянт/консервант (Ethendianin-tetraacetic acid) билан ишлатилган. Геном ДНКсини олиш учун қон хужайралари лизисининг икки босқичли усули қўлланилди. RCLB (Red cells lysis Buffer - эритроцитлар лизисли буфер) буфериди 1500 айл/мин тезликда бутун қон ҳажмини икки марта центрифугалаш йўли билан 15-20 дақиқа давомида эритроцитларни лизислаш амалга оширилди. Лейкоцитлар масса лизатларини кейинги тозалаш С. Миллер ва ҳаммуаллифлар бўйича спирт-туз билан ишлов бериш усулига асосланган. (1988) Стенфорд университети лабораторияси томонидан таклиф қилинган модификацияда. TNF α (308 G/A) генининг полиморф қисмларини генотиплаш полимераза занжир реакцияси (ПЦР) усули билан аллел-специфик праймерлар (НПФ "Litex," Москва) ва реакция маҳсулотларини агароз гелда электрофорез детекцияси билан ўтказилди, кўрсатилган SNP аввал тасдиқланган ва минор аллел частотаси 1% ва ундан юқори. Периферик қонда COL1A1 генининг молекуляр-генетик текшируви полимераза занжир реакцияси (ПЦР) усули билан ўтказилди. Тақдим этилган ишда 1-типдаги коллагеннинг G2046T полиморфизми

(полиморфизмнинг халқаро коди - rs1800012), биринчи интрон соҳасида COL1A1 генининг Sp1 транскрипция омили учун геннинг копировка қилмайдиган соҳасида гуанин нуклеотидининг тиминга нуқтали алмаштирилиши ўрганилди.

Амплификация маҳсулотларини идентификация қилиш ва уларни узунлик маркерига нисбатан тақсимлаш 15 дақиқа давомида электрофорездан кейин ультрабинафша нурда (310 нм) ёки 10% PAAG 29:1 да 300 В кучланишда (иккала ҳолатда ҳам югуриш масофаси 3-4 см) ва этидий бромид билан бўялган ҳолда амалга оширилди. Узунлик маркери сифатида pUC19 плазмидасини Msp1 рестриктаза билан қайнатишдан фойдаланилди.

Олинган натижаларни баҳолаш ва маълумотларга статистик ишлов бериш учун ушбу ишда Microsoft Excel, SISA9.17® ва SISA, Arlequin статистик дастурлар пакетидан фойдаланилди.


Диссертациянинг «**Эктопик ҳомиладорлиги бўлган аёлларнинг клиник-диагностик тавсифи**» деб номланган учинчи бобида текширилган аёлларнинг клиник тавсифига оид маълумотлар келтирилган.



1-расм. Текширилган аёлларнинг ёш анамнези.

Ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида репродуктив ёшдаги аёллар ўлимининг энг кўп учрайдиган сабаби эктопик ҳомиладорликдир. Биз ЭХ билан 124 нафар ва бачадонидаги ҳомиладорлик билан 50 нафар аёлларни текширдик. Текширилган аёлларнинг анамнестик маълумотлари шуни кўрсатдики, ёш оралиғи 20 дан 40 ёшгача бўлган. Батафсилроқ таҳлил шуни кўрсатдики, 20 ёшгача бўлган 12 нафар (9,7%) ва 38 ёшгача бўлган 3 нафар (2,4%) аёллар ЭХ билан касалланган (1-расм).

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ЭХ аёллар асосан 26-35 ёш оралиғида бўлган. Эҳтимол, бу ушбу ёшдаги аёлларда турли яллиғланиш касалликлари кўпроқ учраши, юқумли омиллар кўпроқ учраши, шунингдек, ёрдамчи технологиялардан фойдаланишга қарор қилиш ва бошқалар билан боғлиқ. Текширилган аёлларнинг клиник маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилган аёлларнинг 74 тасида бирламчи эктопик ҳомиладорлик, 46 тасида эса такрорий ҳомиладорлик бўлган (2-расм).



2-расм. Текширилган аёлларда эктопик ҳомиладорлик ривожланишининг частотаси

Шуни таъкидлаш керакки, бирламчи ЭХ билан оғриган аёлларнинг 79,48% (62) анамнезида 1 ва ундан ортиқ ҳомиладорлик бўлган, 13 аёл (16,7%) ҳомиладор бўлмаган, 18 аёл (23,07%) туғмаган. Барча текширилган аёллар орасида анамнезида эктопик ҳомиладорлик 18 нафар аёлда (14,51%) қайд этилган. Ўтмишда текширилган аёлларнинг 9 тасига (7,2%) 10 йил давом этган бепуштлиқ ташхиси қўйилган.

Аёллардаги яллиғланиш касалликлари барча жинсий касалликлар орасида катта улушни эгаллайди. Аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари (ЖАЯК) механик, термик, кимёвий шикастланишлар, бактериал зарарланиш натижасида пайдо бўлади. ЭХ аёлларнинг анамнестик маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, вульвит 12,09% ҳолларда учрайди (1-жадвал). Вульвитларда ташқи жинсий органларга таъсир қилинади. Бу вульванинг яллиғланиш жараёни билан боғлиқ бўлган аёллар ташқи жинсий аъзоларининг кенг тарқалган касалликларидан биридир. Касалликнинг асосий белгилари қичишиш, ачишиш, кўп миқдорда ажралма ажралиши, жинсий лабларнинг шишиши, сийдик чиқариш жараёни ва жинсий алоқа пайтида ноқулайлик. Ушбу касаллик маҳаллий гигиенияга тўлиқ

риоя қилмаслик, ташқи жинсий аъзолар жароҳатлари, жинсий ёки экстрагенитал касалликлар, шунингдек, эндокрин тизимнинг бузилиши натижасида пайдо бўлиши мумкин. Касаллик ўткир ёки сурункали бўлиши мумкин.

Жумладан, текширилган аёлларда вульвовагинит 34,67% да учрайди. Вульвовагинит турли сабаб ва кўринишларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг асосий симптомлари қичишиш, ачишиш, қичишиш ва қиндан ажралмаларни ўз ичига олади.

1-жадвал.


Эктопик хомиладор аёлларда яллиғланиш касалликлари

Касаллик	Асосий гуруҳ, n=124	Назорат гуруҳ, n=50
Вульвит	15/12,09%	3/6%
Вульвовагинит	43/34,67%	4/8%
Кольпит/вулвит	47/37,9%	6/12%
Цервицит	78/62,9%	3/6%
Эндометрит	82/66,13%	2/4%
Сальпингит	85/68,54%	5/10%
Оофарит	38/30,64%	2/4%

Жумладан, текширилган аёлларда вульвовагинит 34,67% да учрайди. Вульвовагинит турли сабаб ва кўринишларга эга бўлиши мумкин, лекин унинг асосий симптомлари қичишиш, ачишиш, қичишиш ва қиндан ажралмаларни ўз ичига олади. Сурункали вульвовагинит узоқ давом этади ва вақти-вақти билан зўрайиб бориши мумкин. Вульвовагинитнинг турли сабаблари бўлиши мумкин, шу жумладан инфекция агентлар (бактериялар, вируслар, замбуруғлар), аллергия реакциялар, кимёвий қўзғатувчилар ва ҳатто гормонал ўзгаришлар. Яллиғланиш касалликлари орасида цервицит (62,9%), эндометрит (66,13%) ва сальпингит (68,54%) энг кўп учради. Сальпингитда бачадон найлари зарарланган жойда бўлади. Эндометритни даволамаслик натижасида пайдо бўлади. Битишмалар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин, бачадондан ташқари хомиладорлик ва бепуштлик ривожланиши учун хавф омили ҳисобланади. Бу касалликларнинг аксариятининг асосида ҳар хил инфекциялар ётади. Текширилган аёлларнинг анамнези таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият яллиғланиш касалликлари асосида жинсий йўл билан юқадиган инфекция ётади. 3-расм маълумотларига кўра текширилган аёлларнинг 21,77 фоизида бактериал вагиноз, 23,28 фоизида эса хламидиоз бўлган. Бу инфекция шахсий гигиена қоидаларини бузиш, индивидуал воситалардан биргаликда фойдаланиш (сочиқ, ички кийим), қинга киритилган зарарланган ёт жисмлардан, масалан, жинсий йўл орқали пуркаш учун учликлардан фойдаланиш, тиббий муолажаларни ўтказиш қоидалари ва технологияларини бузиш (ичга ўрнатиш) натижасида

юқиши мумкин. иммунитетнинг пасайиши - туғиш, аборт, бошқа операциялар, ҳайз пайтидаги жинсий алоқа натижасида юзага келган жароҳатлар. Бинобарин, бактериял инфекциянинг мавжудлиги ҳам эктопик ҳомиладорлик ривожланишининг хавф омилidir.

Асосий гуруҳ беморларида стационарга мурожаат қилиш пайтида ҳақиқий ҳомиладорликнинг кечиши таҳлили шуни кўрсатдики, ҳар ўнинчи аёлда жорий ҳайз циклининг бузилиши кузатилган. Ушбу ҳолатнинг сабаби аёллар орал контрацептивларни қабул қилиш схемасининг бузилиши, шунингдек, олдинги ҳайз циклида амалга оширилган инструментал аралашувлар, шунингдек, эндометриозни даволашда қўлланилган Диферелин препаратини қабул қилишни бекор қилиш билан изоҳланди.




3-расм. Жинсий йўл билан юқадиган патоген бактериялар.

ЭХ билан оғриган аёлларда яллиғланиш касалликларининг белгилари қуйидагилар эди: 25% аёлларда - характерли бўлмаган ажралмалар. Кўпинча ЭХ да ранг, ҳид, консистенция бўйича меъёрдан четга чиқиш кузатилади; Оғриқ 100% аёлларда ЭХ белгилари билан бирга келади. Бунда оғриқ ҳар хил характерга эга бўлади. Оғриқнинг жойлашуви кўзғатувчининг жойлашуви билан мос келиши мумкин. Лекин касалликнинг манзараси хира бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам оғриқ синдроми, шу жумладан кучсиз оғриқлар қўшимча ташхислашни талаб қиладиган "қўнғирок" ҳисобланади.

Текширилган аёлларнинг 68,54% жинсий алоқа пайтида ўзини ноқулай ҳис қилган. Аёлларни шилимшиқнинг қуруқлиги, оғриқ, қонли ажралмалар безовта қиларди, шунинг учун улар уз вақтида шифокорга мурожаат қилишлари керак эди.

Ушбу ҳомиладорлик бўйича анамнестик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 18та аёлларда эса ҳомиладорлик ЭКУ усули билан содир бўлган. Аёлларга овуляция индукцияси-8та, 12- аёлларга инсеминация ўтказилди. Ҳомиладорлик ИКСИ усули билан 14та аёлда содир бўлган.



4-расм - Турли усулларда ҳомиладорликнинг содир бўлиш частотаси.

4-расмда ушбу гуруҳдаги аёлларда ВРТнинг турли усуллари билан ҳомиладорликнинг пайдо бўлиш частотаси кўрсатилган.

4-расмдан кўришиб турибдики, 2-гуруҳ аёлларида ЭҲ энг кўп овуляция ва ЭКУ индукциясидан кейин содир бўлган, камроқ улушни инсеминация ва ИКСИ ташкил этган ($\chi^2=12,5$; $p=0,0004$).

Беморлар стационарга турли даражадаги оғирликда ётқизилган. 18,3% аёлларда оғир ва ўртача оғирликдаги ҳолат аниқланган. Беморлар ҳолатининг оғирлиги тахмин қилинаётган ҳомиладорлик муддати билан тўғридан-тўғри корреляцияланди: ўртача ва оғир даражадаги ҳолат ҳомиладорликнинг 6 ҳафтасидан ортиқ муддатида олдинги даврга нисбатан кўпроқ кузатилди ($p=0,88$; $p=0,023$).

Аёлларнинг 38,7% (48) ҳолсизлик ва бош айланишидан шикоят қилган. 12,9% аёллар (16 та) касалхонага ётқизилганда ҳушини йўқотиш эпизодларини қайд этишган.

Шундай қилиб, касалхонага ётқизилган беморларнинг кўпчилигида аниқланган шикоятлар ва аломатлар таҳлили ҳайз кўришнинг кечикиши, қорин пастидаги оғриқлар ва жинсий йўллардан қонли ажралмалар билан тавсифланган, барча аёлларнинг 10% эса ЭҲ учун хос бўлган типик шикоятларни билдирмаган. Аёлларда намоён бўладиган клиник симптомлар ҳайз кўришнинг кечикиш муддатига боғлиқ бўлди. Ҳомиладорликнинг 6-8 ҳафтасига тўғри келадиган ҳайз кўришнинг кечикиши бўлган беморларда ҳушдан кетиш даражасигача бўлган оғир ҳолат кузатилган. Уларнинг учдан бир қисмида ташхис фақат операция столида аниқланган.

Бачадон найи ҳомиладорлик тасдиқланган 124 нафар беморнинг барчасига юқори частотали трансвагинал ва трансабдоминал эхография ўтказилди. Тадқиқот "Sono-Scaps" аппаратида 3,5 МГц частотали конвекс

трансабдоминал датчик ва 5 МГц частотали трансвагинал датчик ёрдамида ўтказилди.

Эктопик ҳомиладорликка шубҳа қилинганда ультратовуш текширувининг умумий тамойиллари қуйидагиларни ўз ичига олади: кичик муддатли бачадон ҳомиладорлигининг бевосита ва билвосита белгиларини аниқлаш. Бачадон ва бачадон ортиғи соҳасида "шубҳали" ўсмаларни аниқлаш ва талқин қилиш. Кичик чаноқ чуқурчаларида майда нуқтали тузилишга эга бўлган "эркин" суюқликнинг мавжудлиги.



Анамнестик маълумотлар ва клиник симптоматика таҳлили найсимон ҳомиладорликнинг потенциал хавф омилларини аниқлашга имкон берди. Жарроҳлик лапароскопиясида қўшимча омиллар аниқланди: Кичик чаноқ бўшлиғида битишма жараёни (28; 22,6%), перитонеал эндометриоз (3; 2,4%). Шунини таъкидлаш керакки, 12 (9,6%) ҳолатда найсимон ҳомиладорлик ривожланишининг потенциал омилларини аниқлаш имкони бўлмади.

Ушбу тадқиқот турли хил клиник кўринишлар ва хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда найсимон ҳомиладорликни ташхислашда комплекс ёндашув муҳимлигини таъкидлайди.

Тадқиқотда 124 нафар найсимон ҳомиладорлик ташхиси қўйилган беморларга жарроҳлик йўли билан даво муолажалари ўтказилди. Улардан:

42 нафар аёлга 2-3 даражали геморрагик шок муносабати билан пастки ўрта лапаротомия бажарилган. 82 нафар беморда лапароскопия ўтказилди.

